

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI**485 Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларини мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларини мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг моддий-техника базасидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Тошкент вилоят давлат педагогика институтини тугатиш ва унинг негизида 2014/2015-ўқув йилидан бошлаб:

540 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернат (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган мактаб-интернат деб аталади);

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида 450 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлган Ангрен академик лицейи (кейинги ўринларда академик лицей деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Тошкент вилоят давлат педагогика институтини тугатиш ҳамда унинг негизида айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида Ангрен академик лицейи ташкил этиш бўйича 1-иловага* мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

Комиссия:

Тошкент вилоят давлат педагогика институтини тугатиш ҳамда унинг негизида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва академик лицей ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар комплексини амалга оширсин;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ва академик лицейни замонавий педагогик методикалар ва технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар билан таъминлашга доир зарур чора-тадбирлар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган психология-педагогика диагностикаси ва тест синовлари натижаларига кўра ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 5 — 9-синфларига ўқувчилар қабул қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган мактаб-интернатга, академик лицейга ҳамда Ангрен шаҳар ҳокимлигига тугатилаётган Тошкент вилоят давлат педагогика инсти-

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

тутининг 2-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича бино ва иншоотларини, шунингдек бошқа мол-мулкларини тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бир ой муддатда бепул берсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ангрен шаҳар ҳокимлигига берилаётган бино ва иншоотлардан келгусида фойдаланиш юзасидан таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг тугатилиши муносабати билан бўшаб қолаётган ходимларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги белгиланган тартибда:

Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент вилоят давлат педагогика институти ҳузуридаги академик лицейни Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфига бериш, уни Тошкент давлат педагогика университетига бирктиш;

тугатилаётган Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг Ангрен, Бекобод шаҳарларидаги, Бекобод, Бўка, Оҳангарон ва Оққўрғон туманларидаги ахборот-ресурс марказларини 3-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича касб-ҳунар коллежларига бериш чора-тадбирларини кўрсин.

7. Қуйидагилар:

Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар — ихтисослаштирилган мактаб-интернат;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар — академик лицей фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2014 йилда — ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ва академик лицейнинг таъминоти учун таълим соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида маблағлар ажратилишини, 2015 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида маблағлар назарда тутилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекис-

* 2-3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

485-модда

— 74 —

38 (642)-сон

тон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 18 сентябрь,
267-сон